

Халима
ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ
шоири



ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!
Дориламон кунлар келди, шафақлари ол,
Қаён боқсанг, шайланишлар ва сошлашлар тор.
Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол:
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

Сўлгин-сўлгин лабларингдан учаркан шу сўз,
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.
Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз,
Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.

Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.
Белгинангга тиргак бўлай, онажоним, тур,
Дориламон куёшга боқ, унга қасдма-қасд.

Юзинг ардоқли куёшдай иссиқ ва маҳваеш.
Кўзларингга умид ёнар тикилган они,
Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш,
Қизғиш, лола ранг қоплайдир бу кун дунёни.

Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,
Ерни яланг оёқ боссанг яўрайди танинг.
Яшамоқ – бир тансиқ таом, унга урсанг кўл,
Борган сари очиладир иштаҳанг санинг.

Боғлардаги етилгуси ҳар мевали шох,
Ризқдир бизга, ризққа доим дил илжинликдир.
Ўғлонларинг келар, ана, очишиб кучоқ,
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.

Онагинам!
Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,
«Тририкликнинг байрами», деб созланганда тор.
Ўзинг сўлгин лаблар билан пичирлагандай:
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».



«СУВ ПАРИЛАРИ» ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Сув спорти Федерацияси ҳамкорлигида пойтахтимизда илк бор синхрон сузиш бўйича «Сув париси» 1-очиқ Марказий Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Мазкур мусобақа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 ноябрдаги «Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, яъни юртимизда ёшларнинг сув спортига бўлган қизиқиши ҳамда оммавийлигини ошириш, бу орқали иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш, саралаш ва мақсадли тайёрлаш тизimini такомиллаштириш, ушбу соҳада мала-

кали мутахассислар ва ҳакамлар тайёрлаш орқали миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг «Сув спорти саройи»да юқори савияда бўлиб ўтаётган ушбу тадбирда Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Болгария, Бирлашган Араб Амириклар, Қозоғистон каби 10 га яқин хорижий давлатлардан 200 нафарга яқин ёш спортчилар нафис ҳаракатлар ва эстетикага асосланган чиқишларини намойиш қилишмоқда. Улар U12, U15 ва катталар ёш тоифаларида эркин соло, техник дуэт, техник микст, эркин гуруҳ йўна-

лишларида 186 та медаль жамғармаси учун ўзаро беллашяпти.

Иштирокчилардан бири Муслима Маҳмуджонова шундай дейди:

– Мен 9 йилдан бери синхрон сузиш билан шуғулланаман. Бу мусобақада жамоамиз билан «Анджон полкаси» рақсини ижро этдик. Энг қизиғи – биз миллий рақсимизни айнан сувда, синхрон сузиш ҳаракатлари билан уйғунлаштирдик. Бу шоу томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Шу ўринда чемпионат бўлиб ўтаётган сув спорти саройига ҳам қисқача таъриф бериб ўтаск: мажмуа 50 метрли бассейн ва 500 та томошабин ўрнига эга. Катта залда

халқаро миқёсдаги мусобақалар, терма жамоамизнинг ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш учун барча замонавий шароитлар мавжуд. Шунингдек, баландликдан сакраш ва синхрон сузиш учун 16х16 метрли, чуқурлиги 6 метр бўлган, болалар учун эса 6х12 метр ўлчамдаги сув ҳавзаси мавжуд. «Сув париси» 1-очиқ Марказий Осиё чемпионати бугун – 17 май кuni ўз якунига етди ва барча ёш тоифалари ҳамда йўналишларда ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлади. 20 май санасида эса ушбу мажмуада сузиш бўйича халқаро мусобақа старт олади.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

■ ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Ўтган йили Тошкент вилояти Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси таркибига 285 та ташкилот бўлиб, аъзолар сони 39 минг нафарга яқин эди. Айни пайтда эса 316 та бошланғич ташкилот, уларда 46 минг нафардан ортиқ аъзолар бор. Бу натижага ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шарт-шароитлари яратиш орқали эришилди.



ФАКАТ ФОЙДАНИ ДЕБ ИШЛАЙДИГАН ТАДБИРКОРНИ УЮШМАГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ОСОНМАС

Ҳозир касба уюшмалари тизимида ғалвир сувдан кўтарилаётган – ҳисобот-сайловлар палласи. Шу кунга қадар бошланғич касба уюшмаси кўмитаси раислари сайлаб олинган бўлса, энди тармоқларнинг туман ва шаҳар кенгаши раислари синовдан ўтмоқда. Конференцияларда уларнинг 5 йиллик фаолияти сарҳисоб қилинмоқда.

Навбатдаги конференция Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Ангрэн шаҳар ташкилотига бўлиб ўтди. Шу асно ўтган даврдаги фаолият сарҳисоб қилинди ва бир овоздан қониқарли, деб топилди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижасига кўра, А.Юлдашев навбатдаги муддатга Ангрэн шаҳар кенгаши раислигига сайланди.

– Фақат фойдани кўзлайдиган тадбиркорни касба уюшмасига жалб қилиш осон иш эмас, – дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Баҳодир Мирзаев. – Баъзи ишбилармонлар учун бир фоизлик бадал катта харажатдек

туялади. Лекин улар кўл остидаги ишчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш шарт. Бунда уларга касба уюшмаси жуда асқатади. Аслида ташкилот нафақат меҳнаткашларнинг, балки иш берувчиларнинг ҳам ҳимоячиси. Буни тадбиркорларга тўғри тушуштириш эса бизнинг вазифамиз.

– «BUMFA Group Asia» МЧЖ хорижий корхонасида хавфсизлик техникаси ва ёнгинага қарши муҳофазани ташкил этиш бўйича мутахассис, шунингдек, касба уюшмаси кўмитаси раисиман, – дейди Муроджон Кавкатбеков. – 2024 йилнинг август ойида касба уюшмаларига аъзо бўлдик. Айни пайтда 70 нафар ходим аъзоллиққа олинган. Касба уюшмасининг саъй-ҳаракати билан 6 нафар ишчи сўхатгоҳларда соғлиғини тиклаб келишди. Бундан ташқари, республикамизнинг диққатга сазовор шаҳарларига тез-тез саёхатлар уюштириб келяпмиз.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

СИНОВДАН ЎТГАН ЕТАКЧИЛАР САЙЛАНМОҚДА

Меҳнат жамоаларидаги ҳисобот-сайловлар демократик тамойилларга асосланган ҳолда, очиқлик, муқобиллик асосида ташкил этилмоқда. Бу эса иш берадиган, жамоага қайишадиган, ишчи-ҳодимларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қила оладиган етакчи сайланишига имкон бермоқда.

Фаргона шаҳар тиббиёт бирлашмаси касба уюшма ташкилотига бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар яширин овоз бериш йўли билан Ҳимоятхон Собировани кейинги беш йилликка қайта сайлашди. Чунки у ўтган давр мобайнида ўзининг ҳақиқий етакчи эканлигини кўрсатиб, аъзолар ишончини оқлади. Масалан, салкам 200 нафар тиббиётчи касба уюшма маблағлари ҳисобидан Тошкент, Самарқанд, Хоразм каби тарихий шаҳарларга саёхатга юборилди. Моддий кўмакка эҳтиёжи бор 471 нафар ходимга ёрдам кўрсатилди. 18 нафар ходимга саломатлигини мустақамлаш учун сўхатгоҳлари йўланмалар ажратилди.

– Ававало, аъзолар ишонч билдирганидан хурсандман. Аммо бу зиммага катта масъулият юклаганини ҳам юракдан ҳис қилиб турибман. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида астойдил меҳнат қиламан, – дейди Ҳимоятхон Собирова.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Фаргона вилояти бирлашган кўмитаси раиси Муқаддасхон Абдуллаеванинг ўтган беш йиллик фаолиятига делегатлар ижобий баҳо бердилар.

Қайд этилганидек, 2020 йилда жамоа шартномаси орқали бир нафар ходимга сарфланган маблағ 3 миллион 200 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 6 миллион 500 минг сўмга етди. Қолаверса, ходимлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилди. 2020-2024 йиллар давомида 750 нафардан зиёд ишчи-ҳодимлар ижтимоий сўғурта, 82 нафар ходим касба уюшма маблағлари ҳисобидан санаторийларда дам олдирилди. Улардан 680 нафари имтиёзли ва 70 нафари бепул йўланмалар асосида саломатликларини тикладилар.

Ҳисобот-сайлов конференциясида иштирок этган делегатлар бирлашган кўмита раислигига кўрсатилган 4 нафар номзод орасидан Муқаддасхон Абдуллаевага яна ишонч билдиришди.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Ҳудобердидов тумани ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар етакчи ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини диққат билан тингладилар.

Айтиш керакки, ўтган беш йил мобайнида таълим ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш, меҳнатларини муносиб баҳолаш, об-

рўсини янада юксалтириш мақсадида иш ҳақи 2,5 баробарга оширилди. Шу билан бирга, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ташкил этиш яхши анъанага айланди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!» дастури доирасида ходимлар тарихий қадимжолар, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Ҳисоботлар тинглангандан сўнг, ташкилотнинг ўтган йиллардаги фаолияти қониқарли, деб топилди.

Шундан сўнг ташкилот раислигига номзодлар кўрсатилди. Яширин овоз бериш натижаларига кўра, Гулбахор Уктамова Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Ўзбекистон тумани ташкилотининг янги раиси этиб сайланди.

Албатта, қайси жойда касба уюшмаси кўмитаси раиси яхши ишласа, ҳамкасблари манфаати йўлида хизмат қилса, ўша жамоада ишчи-ҳодимлар хотиржам фаолият юритида. Хотиржамлик бор жойда эса унум ва барака бўлади. Шунинг учун ҳам жамоалар етакчиларни ҳар томонлама ўйлаб сайлашмоқда. Чунки беш йил давомида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўзлари танлаган номзод ҳимоя қилади.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА МАРКАЗИДА БЎЛДИ

Қирғизистон Республикаси энергетика ва электротехника саноати ходимлари касба уюшмаси республика қўмитаси делегацияси хизмат сафари билан Фарғонага ташриф буюрди. Меҳмонлар дастлаб «Фарғона иссиқлик электр маркази» филиали фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Бу корхона вилоятдаги йирик мусассалардан бири ҳисобланади ва у Фарғона шаҳридаги бир қанча саноат корхоналари ҳамда аҳоли хонадонларини узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлайди. Учрашув давомида делегация аъзоларига ташкилот фаолияти мисолида энергетика саноатида жорий

этилатган илғор технологиялар, юртимизнинг энергетика сиёсати ва истиқболдаги режалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ташриф доирасида томонлар келгусида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳамда биргаликда амалга ошириладиган ишлар, лойиҳалар, тажриба алмашувлар қамровини кенгайтиришга келишиб олишди.

Филиал томонидан ўтган йили муқобил энергия манбалари орқали 3,4 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу эса, ўз навбатида 558 минг куб метр табиий газни тежаш имконини берди.

Марказда энергия самарадорлигини ошириш мақсадида «яшил» энергиядан самарали фойдаланилмоқда. Бугунги кунда умумий қуввати 7073 киловатт-соат бўлган қуёш фотоелектр станциялари ишламоқда. Учрашув давомида меҳмонлар ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар билан танишишди.

Дўстлик ва биродарлик рамзи сифатида корхона ҳудудида ташкил этилган Касаба уюшмаси боғига дархт кўчатлари ўтказилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Бир даста китоб-дафтар, машғулотлар, ўқувчилар шовқини... Педагоглар одатий кун тартибидан биров чекиниб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказиладиган спорт мусобақаларига йўл олишди.

«СОҒЛОМ ТАНДА – СИФАТЛИ ТАЪЛИМ»



СПОРТДА ҲАМ ПЕШҚАДАМ ПЕДАГОГЛАР



Уч йилдан буён анъанага айланган мактабга ва мактаб таълими ходимлари ўртасида «Соғлом танда – сифатли таълим» шiori остидаги бу тадбирлар ўқи-

тувчиларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Кунги кеча бир гуруҳ педагоглар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кубоги мусобақаларининг шаҳар босқичида қатнашишди. Улар билим салоҳиятлари юксаклиги, қолаверса, спорт соҳасида ҳам пешқадам эканликларини исботлашди. Иш фаолиятида толиққан ходимлар мусобақада кўтаринки кайфиятда қатнашиб, жисмоний чиниқиш билан бир қаторда маданий ҳордиқ ҳам чиқаришди.

Қизгин кечган турнир якунида қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди. Биринчилиكنи кўлга киритган Яшнобод тумани педагоглари 30 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз

1211 ЭШИТАДИ

МИННАТДОР ҚАЛБЛАР

Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳрида яшовчи Ёркиной Аллаева касба уюшмаларидан миннатдорлигини тез-тез такрорлайди. Нимага дейсизми?..

Ўтган йилнинг 17 сентябрида у ишдан қайтар чоғи бозорга кириб у-бу нарса харид қилмоқчи бўлди. Шу мақсадда «Халқ банки»га қарашли банкوماتдан пул нақдлаштириётганида пластик картасидан 500 минг сўм «қирқилди», аммо банкومات нақд пулни «бермади».

Пулни олиш учун ёрдам сўраб, банк бошқарувчиси номига ариза ёзди, бир неча марта банка борди. Орадан қарий бир ой ўтса-да, унинг аризаси қаноатлангирилмади. Шундан сўнг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муаммолари бўйича ташкил этилган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилди. Булиб ўтган ҳолатни айтиб, пулни қайтариб олишида кўмак сўради.

Қарабсизки, унинг «Бор отангга, бор онангга!» қабилда пайсалга солинган муаммоси қисқа муддатда ижобий ҳал этилди. Техник носозлик туфайли банкوماتда қолиб кетган пуллари пластик картасига ўтказиб берилди.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Баҳор» МФИда яшовчи Райхон Раҳимова эса шундай ҳикоя қилади:

– Қизим Маҳфизат Алланазарова Тошкент фармацевтика институтига ўқишга кирганида хурсанд бўлди. Майли, шартнома асосида бўлса-да, бир иложини қилиб ўқитармиз, дея уни пойтахтга жўнатди. Ахир ҳозир мамлакатимизда хотин-қизларга 7 йилга фойсиз таълим кредити ажратилаётган бўлса, биз ҳам бу имкониятдан фойдалана олармик, дея ният қилгандик.

Афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади. Фарзандимнинг «Узмиллийбанк» АЖ Марказий амалиёт банк хизматлари маркази (БХМ)га таълим кредити олиш учун қилган мурожаати жавобсиз қолди. Айни вазиятда контракт пулини тўламасак қизим ўқишни ташлаб келишга мажбур эди. Бошим қотиб турганида қўшимч Ҳотин-қизлар касба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича куну тун ишлайдиган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилишимни маслаҳат берди. Шундан сўнг ички бир умид билан ишбу рақамга сим қоқиб, вазиятни ётиги билан тушунтирдим.

Не ажабки, мурожаатим қисқа муддатда – ун кунга қолмай ижобий ҳал этилди. Қизимга 12 миллион 543 минг сўм таълим кредити ажратилди. Бунинг учун Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясидан миннатдорман.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Самарқандда Ўзбекистон касба уюшмаларининг 120 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ажойиб тадбир ўтказилди. Унга меҳнат фаолиятининг маълум қисмини касба уюшмаларида ўтказган фахрийларнинг бир неча авлоди вакиллари жалб этилдилар.

УЛАР ШУ ДАРГОҲДА ТОБЛАНГАН ЭДИЛАР...



– Нуробод туманининг Нурбулоқ қишлоғидан ишфобахш сув чиққач, ундан самарали фойдаланиш ташаббусини биринчи бўлиб касба уюшмалари илгари сурганди, – дея хотирлади касба уюшмалари вилоят кенгашининг солиқ раиси Марям Шодиева. – Уша даврларда ерга битта чўп суқиш учун ҳам Иттифоқ «маркази»нинг рухсати талаб қилнарди. Мен бир сумка хужжатларни олиб, Москвага учдим. ВЛЦСПС бегаан ташкилотда эшикма-эшик юриб, у ердагиларни табиат мўъжизаси қудратиға ишонтиришимға тўғри келди. Бир ҳафталик сарсонгарчиликдан сўнг сиҳатгоҳ қурилишиға руҳсат берилди. Қаранг, ўшандан буён орадан қанча йиллар ўтиб кетибди. Бирлашма кенгашиға раҳмат! Улар тайёрлаб намоиш этган видеороликни кўриб, ўтиб кетган кўлаб ҳамкасбларимизни хотирлади.

Меҳнат жабҳасида мувозанатни сақлаш, ходимлар ва уларнинг оилалари манфаати йўлидаги муҳим ижтимоий институт бўлиши касба уюшмалари фахрийлар, хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясида ҳам мустаҳкам туриб келмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятида етмишдан ортқ соҳада ишлаётган ва пенсияга чиққан фахрийларга муттасил ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

– Тизимдан кетган бўлсак-да, ҳамон эътиборда

ТАДБИР

«ХОНҚА»ГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашида касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ҳамда 12 май – Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар 7 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган мусасасаларда хизматлар сифатини янада ошириш, дори воситалари истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар доирасида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Байрам муносабати билан соҳанинг бир гуруҳ фидойиларига «Хонқа» санаторийсида соғлиқларини тиклашлари учун бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

ТАРАДДУД

Ёз мавсуми болалар оромгоҳлари учун масъулиятли палла ҳисобланади. Шу боис унга пухта тайёргарлик кўрилади.

ОРОМГОҲИМИЗ БОЛАЛАРГА МУНТАЗИР

Хива туманининг Отажон Тўра маҳалласида жойлашган «Хива гулшани» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам мавсумни мазмунли ва сифатли ташкил қилиш учун жиддий иш бошланган. Ётоқхоналар, ошхона ҳамда тўгарак хоналари ва бошқа иншоотлар янгидан таъмирланиб, жиҳозланмоқда. Шунингдек, бош тарбиячи, етакчи, тўгарак раҳбари лавозимида фаолият юритиш истагида бўлганлар билан суҳбатлар ўтказилиб, ишга қабул қилинмоқда.

Ёзи соғломлаштириш даврида маънавий-ахлоқий ва миллий удумларни ёшлар қалбига синдириш, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, дўстлик туғилуларини шакллантириш асосий вазифа қилиб олинган. Шу мақсадда ўтказиладиган тадбирлар аллақачон режалаштирилган.

Оромгоҳда болажонлар кун тартибига риоя қилишни ўрганиди, ижтимоий кўникмаларини ривожлантиради. Табиатга, унинг қонуниятларига ва ҳимоясига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига тўғри муносабатда бўлишга ҳаракат қиладилар. Хуллас, биз оромгоҳда ўтадиган ҳар бир кун ўғил-қизларимиз едида ширин хотира бўлиб қолиши учун ҳозирлик кўряпмиз.

Шахло ДОСОВА,
Хоразм вилоятидаги «Хива гулшани»
оромгоҳи директори

МУЛОҚОТ

эканлигимиздан хурсандимиз, – деди вилоят касба уюшмалари кенгаши маълум муддат бошқарган Маҳорат Боқиева. – Тўғри, биз ишлаган даврда коммунистик партия етакчилигидаги жамоат ташкилотини бошқариш осон бўлмаган. Бугунги эркин, ҳар соҳада ташаббускор жамоат ташкилоти билан у даврлардаги касба уюшмалари орасида катта фарқ бор. Юртимиздаги сиҳатгоҳлар бармоқ билан санарли даражада оз эди. Бугун эса касба уюшмалари тасарруфидаги сиҳатгоҳлар сони 31 тага етибди. Уларда меҳнатқашлар ва оила аъзолари учун яратилган шароитларни таърифлашға тил ожиз. Сирасини айтганда, Янги Ўзбекистоннинг касба уюшмалари меҳнат муаммолариға замонавий ечимлар топиши, кучли ижтимоий сиёсати билан давлат ва жамият тараққиётида ўзига хос ўрин эгаллаб келмоқда.

Учрашувда қатнашган Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, Федерация қошидаги фахрийлар кенгаши раиси Аҳмад Миржапиров кексаларнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни муҳимлиги ва бой тажрибасини оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Самарқандлик соҳа фахрийларининг бир пиёла чой устидаги мулоқотлари янада қизгин кечди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов улардан бир гуруҳга қимматбаҳо совғалар ҳамда Тошкент шаҳрига бепул саёҳат йўлланмасини топширди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

ТУРИЗМ

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Касба уюшмаларининг 120 йиллик юбилей олдидан «Jayxun Invest» МЧЖ корхонаси ходимлари учун «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шiori остида Тошкент шаҳрига икки кунлик саёҳат уюштирилди.

Меҳмонлар пойтахтда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Муқаддас қадамжолар, кўзга кўринган мажмуаларни зиёрат қилдилар.

– Корхонамизда бошланғич касба уюшма ташкилоти тузилгач, ходимларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик янада кучайди, – дейди Гулноза Қўтлимуродова. – Айниқса, мана шундай саёҳатлар ташкил этилаётгани ишчанликни оширишға хизмат қилмоқда. Ташкилотчиларға ташаккур!

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика саноати
ҳодимлари касба уюшмаси
Республика кенгаши раисининг ёшлар
масалалари бўйича маслаҳатчиси

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ...

«ЭРТАГА СЕНИ ИШДАН БЎШАТАМАН...»

САВОЛ: Иккинчи бор ҳомиладор бўлдим. Корхонамиз раҳбари «Сен уч ой ишлаб, уч йил декретда ўтиришга ёмон ўргандинг, эртага сени ишдан бўшатаман», деб таҳдид қилди. Унинг ушбу ҳаракати қонунийми?

Холида РАҲИМОВА

Бухоро вилояти

ЖАВОБ: Йўқ, иш берувчининг бу ҳаракати (таҳдиди) қонунга хилоф. Амалдаги Меҳнат кодексининг тегишли бандига мувофиқ, фақат бир ҳолатда, яъни корхона ёки унинг алоҳида бўлими ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг иш фаолияти тугатилганда раҳбар ўз ташаббусига кўра, ҳомиладор аёл билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

Мабодо, меҳнат шартномаси маълум муддатга тузилган бўлса ва муддат аёлни ҳомиладорлиги даврида тугаса, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини ҳомиладорлик тугагунга қадар, унга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган тақдирда эса, таътилни охирига қадар узайтириши шарт.

Меҳнат шартномаси ҳомиладорликнинг охирига қадар узайтирилганда иш берувчининг сўровига биноан, ҳомиладорлик ҳолатини тасдиқловчи тиббий маълумотнома тақдим этилиши керак. Агар ходим ҳомиладорлик тугаганидан кейин ишлаши давом эттирса, иш берувчи ҳомиладорликнинг тугаганлиги фактини билган кундан эътиборан бир ҳафта ичида меҳнат шартномасининг муддати тугаганлиги сабабли бекор қилишга ҳақли.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Бухорони келажак авлодларга қай ҳолда топширамыз?

Сўнгги вақтларда Бухоро шаҳри кўчаларида иссиқлик даражаси ниҳоятда ортганига гувоҳ бўляпмиз. Чанг-тўзон, қурғоқчилик ва соя-салқин жойлар камлиги кўпчиликини кийнаёпти. Шундай кезларда кўнгилдан қуйидаги саволлар ўтади: «Бухорони келажак авлодларга қай ҳолда топширамыз? Тарихий шаҳарнинг экологик барқарорлигини таъминлаш учун кенг кўламли ишлар амалга ошириш вақти келмадимикан?»

Таассуфки, бугун шаҳарда кузатилаётган экологик ўзгаришлар ва яшил худудларнинг қисқариши нафақат муҳитга, балки аҳоли саломатлигига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, қурилиш ишлари туфайли кўплаб дарахтлар йўқ қилинмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоятда яшил худудларнинг умумий майдони 2020 йилда 5,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, 4,2 фоизга пасайган. Шунингдек, 2023 йилда ўртача ҳарорат 1,3 даражага ошган. Ҳаво ифлослашиши билан боғлиқ касалликлар эса ўтган беш йилда 18 фоизга ортган.

«Яшил белбоғ» — шаҳарни ўраб турувчи, ҳа-

вони тозалайдиган, шамол ва чангни тўсувчи табиий ҳимоя ҳудуди. У фақат экологик ҳимоя воситаси эмас, балки шаҳар эстетикасини, аҳоли саломатлигини ва дам олиш шароитини яхшилайдиган муҳим омил ҳамдир. Бухоро сингари иссиқ иқлимга эга худудларга бундай белбоғлар жуда зарур.

Мутахассислар фикрича, «яшил белбоғ» яратишда маҳаллий иқлимга мос, кам сув талаб қилувчи ва чидамли дарахт навларидан фойдаланиш лозим. Масалан, саксовул қумли ерда яхши ўсади ва эрозияга қарши самарали восита саналади. Писта ва зайтуннинг эса, ҳам экологияга, ҳам иқтисодиётга фойдаси катта. Терак, қайрағоч ва акация каби тез ўсувчи дарахтлар соя-салқинликни таъминлаши, ҳавони филтрлаши билан аҳамиятли. Кўчат навларини маҳаллий питомникларда етиштириш мумкин. Бу харажатни ка-

майтириш билан бир қаторда, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Умуман олганда, «яшил белбоғ» яратиш борасида шаҳарда ҳеч қандай иш қилинмапти, деган фикрдан йироқмиз. Хусусан, расмий манбаларнинг қайд этишича, 2024 йилда вилоятда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 17,8 миллион туп дарахт кўчати экилган. Шунингдек, «Менинг боғим» лойиҳаси асосида 142 та «Яшил боғ» ва 73 та «Яшил жамоат парки» барпо этиш ишлари бошланиб, кўчатлар нест-нобуд бўлмай ўсиши учун 490 та сув чиқариш кудуғи ва 3 минг 486 километрлик суғориш тизими ташкил этилган.

Ушбу лойиҳа вилоятда экологик вазиятни яхшилаш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган самарали ташаббус экани, келгусида айни йўналишдаги ишлар янада кенгайтирилиши бот-бот таъкидлан-


МУЛОҲАЗА

моқда. Лекин режалар шунчаки қоғозда қолиб кетмаслиги, саъй-ҳаракатларни одамлар сезиши лозим.

Яна бир муҳим жиҳат. «Яшил белбоғ» яратиш фақат ҳуқуқат ёки экологлар зиммасидаги вазифа эмас. Бу ишга ҳаммамиз масъулмиз. Масалан, ижтимоий объектлар, яъни мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, ташкилот ва корхоналарнинг ишчи-ходимлари ташаббус билан чиқиб, ўз боғини яратишига ким ёки нима монелик қилади?

Айтмоқчи бўлганимиз, Бухоронинг келажаги фақат тарихий обидаларни асраб-авайлаш билан белгилашмайди, аксинча, унинг эртанги кунни яшаш учун қўлай, соғлом ва барқарор муҳит яратиш билан чамбарчас боғлиқ. Магарки, «Яшил боғ»лар яратишга инвестия киритилмас экан, шаҳарни иссиқлик, чанг ва гўбор, қурғоқчиликдан ҳимоя қилишнинг иложи бўлмайди.


Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»



Бугун бутун дунёда интернет глобал ахборот тармоғи имкониятлари жадал кенгайиб бормоқда. Ўз навбатида, ундан келиши эҳтимоли бор бўлган таҳдид ва хуружлар ҳам кескин кўпаймоқда. Глобаллашувнинг бу кўриниши қуролли тўқнашувлардан-да каттароқ хатарга айланмоқда. Оқибатда турли мамлакатларда тартибсизликлар, нотинчликлар юзга келаятгани ҳақидаги хабарлар тез-тез тарқалмоқда.

Яна бир хавотирли жиҳати шундаки, интернетга, мобиль қурилмаларга тобелик кишиларда ишчанлик қобилиятини сусайтирмоқда, айниқса, ёшлар орасида дангасалик, ялқовлик, боқимандалик каби салбий қурулларни авж олдиришмоқда. Уқишга, дарсга беписанд, мутлола завқидан бебаҳра авлод пайдо бўлмоқда.

Билимсизлик бекорчиликка, бекорчилик қашшоқликка, қашшоқлик эса жиноятга сабаб бўлиши мумкин. Охириги пайтларда интернет тармоқларида савиясиз, ҳеч бир маънавий-маданий тарбия бермайдиган, кишининг вақти беҳуда ўтишига олиб келаяди.



тентлар, миллат, халқ ва давлат келажagini ўлдирувчи, кишиларни парокандаликка етакловчи ахборий материаллар, айниқса, онлайн қимор ўйинлари кўпайиб кетди. Уларнинг ортида давлатлар келажagini синдиришга қаратилган стратегик ҳаракатлар мавжуд.

Маъшур турк сериалларидан бирида «Қиморда ўйнаган эмас, ўйнаган ютади», деган гап бор. У нақадар тўғрилигини ризқини ҳалол меҳнат билан топиш ўрнига меҳнатдан қочиб, онлайн қиморларда ютқазиб, ўз жонига қасд қилаётган, саломатлигини йўқотаётган кишилар мисолида кўришимиз мумкин.

Тўғри, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, деганларидек интернетдан ҳам ким нимани изласа, ушани топади, дейишимиз мумкин. Лекин соғлом мантиқ билан ўйланганда, бу гап ижтимоий тармоқлардан мақсадли фойдаланувчилар учунгина тўғри келади. Бемақсад,

шунчаки бекорчиликдан, вақт ўтказиш учун фойдаланувчилар ва, энг асосийси, болалар-чи? Улар но-соғлом, ноҳоллис, савиясиз, беҳаёликни тарғиб этувчи контентлардан, онлайн қиморлардан етарли даражада ҳимояланганими?

Бугун бу каби контентлар таъсирига тушаётган, ноҳалол савдодан зиён кўраётган, онлайн қиморда бой бераётганлар камми? Интернетнинг болалар тарбиясига, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатга қанчалар фойда ёки зиён етказаятганини ҳеч ўйлаб, таҳлил қилиб кўрганми? Авлоддан авлодга ўтиб келаятган азалий қадриятлар, маънавий-маданий меросга пугур етмаяптими?

Тўғри, айбни фақат интернетга ағдарилш ноўрин, уни, аввало, ўзи-

ракатлар кўпайди. Бугун интернет орқали онлайн савдо ривожланиши баробарида ёлғонлар кўпаймоқда. Сифатсиз маҳсулотни ўтказиш орқали ўзгалар ҳақида хиёнат қилиш оддий ҳолга айланмоқда.

Исталган интернет браузерларни очсангиз, болаларнинг ёшига мос бўлмаган ахборот, фото ва видео материаллар мавжудлигига гувоҳ бўласиз. Ноҳоллис ахборотлар, ғайри мақсад йўлидаги негативлар омма онгини заҳарлаб, жамиятда норозилик кайфияти шаклланишига хизмат қилади.

Замонавий дунёда зарарли ахборотдан ҳимояланиш ҳар бир давлат учун муҳим вазифа саналади. Манипуляция, фейк, дезинформация, малинформация каби атамалар бугун ахборот соҳаси вакиллари тез-тез эшитиладиган ва фойдаланадиган сўзлар қаторидан ўрин олди.

Ривожланган мамлакатларнинг бу каби контентларга қарши курашиш тажрибасига назар ташласак, Туркияда интернет тармоғида фаолият кўрсатувчи медиа компаниялар учун бир қатор талаблар мавжуд. Хусусан, бу компаниялар Туркияда ўз офисига эга бўлиши, туркиялик мутахассислар меҳнатидан фойдаланиши, ахборот соҳасида давлат ваколатли идорасининг талаби билан қонунга зид деб топилган ахборотларни

лий таълим тизимига муваффақиятли интеграция қилган давлатлардан бири ҳисобланади. 2019 йили қабул қилинган «Media Literacy in Finland» сиёсатига биноан, медиа таълим мактабгача таълимдан бошлаб барча даражалардаги таълим дастурларига киритилган. Шу тарихи талабалар ахборот манбаларини таҳлил қилиш, фейк янгиликларни аниқлаш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш имконига эга бўлишмоқда.

Японияда ҳатто кичик ёшда ноқ интернет хавфсизлиги асослари ўргатилади — бу ўқув дастурига киритилган. Энг қизиғи, мактаб дарсларига ўқувчи телефон билан киритилмайди.

Замонавий таҳдидларга қарши курашда халқаро тажриба муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Шу билан бирга, миллий анъаналардан ҳам унумли фойдаланишни эътибордан четда қолдирмаслик муҳим. Касални даволагандан кўра, олдини олган яхши деган нақлга амал қилиб, мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб ва олий таълим муассасаларида медиа саводхонлигини оширишга қаратилган дастурлар жорий этиш керак.

Бундан ташқари, ахборот сиёсати ва ахборот хавфсизлигига масъул давлат идораларининг ваколатлари

МУШОҲАЗА

АХБОРОТ ХАТАРЛАРИДАН ҲИМОЯЛАНИШГА ЭҲТИЁЖ ОРТМОҚДА

миздан қидиришимиз керак. Вақтимизни унда беҳуда ўтказаятганимиз, фарзандларимизни назорат қилиш борасида етарли чора кўрмаётганимиз бор гап. Лекин, унутмаслик керакки, интернетдаги чексиз ахборотнинг қай бирини назорат, таҳлил қилишга улгуриш мумкин? Фарзандларингизни қанча вақт назорат қила оласиз? Қонунга зид контент тарқатаётган, онлайн савдода истеъмолчиларни алдаётган, онлайн қимор ташкилотчилари ҳам анойи эмас, аксинча, ўз ишининг усталари. Сизнинг зарарингиз уларни заррача қизиқтирмайди. Улар учун фақат ўз манфаатлари устувор.

Тараққиёт — зарурат! У, албатта, керак. Лекин миллатнинг, халқнинг қадриятларига зиён етказмаслиги даркор. Бу ўта муҳим масала. Ушбу хатардан ҳимояланишга етарли эътибор қаратиш, иссиғида зарур чоралар кўриш жоиз.

Тасаввур қилинг, халқимизнинг асрлар оша яшаб келаятган қадриятларидан бўлган ота-онани қадрлаш, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш, ҳалоллик, оила муқаддаслиги каби тушунчаларга дарз этиши нақадар катта кўрқинч ва хавотирга эга.

Коммуникацион тараққиёт бизга масофавий мулоқотни, онлайн оқибатни, яширин муносабатни олиб кирди. Ўзаро муносабатларда истаранинг иссиқлиги йўқолди, меҳр кўзда деган нақл бежиз яралмаганини кўрдик. Ота-онанинг розилиги, уларнинг дуоси муваффақият қалити эканига писандсизлик пайдо бўлди. Олди-бердилларда «Ўзи йўқнинг кўзи йўқ» қабилидаги ҳа-

тармоқдан ўчириши, реклама фаолиятдан топилган даромаддан солиқ тўлаши каби шартларни бажариши зарур. Мазкур келишувга рози бўлмаган медиа компаниялар учун майдон ёпилади. Натижада Туркия бозоридан реклама олиш имконидан мосуво бўлган медиа компаниялар катта молиявий даромаддан қуруқ қолади.

Таниқли медиа мутахассис Беруний Алимовнинг яқинда эълон қилинган мазкур мавзуга бағишланган мақоласида ҳам халқаро тажрибага оид бир қатор мисоллар келтирилган. Унда ёзилишича, Германияда «Ижтимоий тармоқларда нафратга қарши кураш» қонуни қабул қилинган бўлиб, уни бузган платформага жуда катта жарима солинади. Шунингдек, 2017 йили қабул қилинган «Network Enforcement Act» (NetzDG) қонуни ижтимоий тармоқларда нафрат нутқи ва сохта янгиликларга қарши курашишни мақсад қилган. Ушбу қонунга мувофиқ, ижтимоий тармоқлар 24 соат ичида «очиқдан-очиқ ноқонуний» контентни ўчириши шарт, акс ҳолда, 50 миллион еврогача жаримага тортилиши мумкин. Бу чоралар ижтимоий тармоқлардаги зарарли контентни камайтиришга қаратилган.

Япония ва Финляндия тажрибасида асосий урғу медиа саводхонлик масаласига қаратилган. Унда мактаб ўқувчиларига ахборот манбаларини таҳлил қилиш ўргатилади. Натижада ёшларда ахборот қанчалик ишончли эканини мустақил баҳолай олиш кўникмаси шаклланади. Финляндия медиа саводхонлигини мил-

мустаҳкамлаши, қонунчилик такомиллаштирилиши зарур. Бунда оммавий ахборот воситалари фаолиятига аралашиб, тўсқинлик қилганлик, медиа маконда қонунга зид контент тарқатганлик учун жавобгарликни қучайтиришга алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, турли қонунга зид контентлар таъсирига тушиб қолаётганлар, онлайн қимор қурбонига айланаётганлар масъул ташкилотларнинг огоҳлантиришларига бепарво бўлганлар ва беписандлик қилганлардир. Баъзан ноқонуний контентларга қарши курашни сўз эркинлигига қарши ҳаракат, дея баҳолашлар ҳам омма фикри қалғишига сабаб бўлади. Шунинг учун мазкур масалага масъул давлат ташкилотлари ҳам фақат огоҳлантириш билан чекланиб қолишларини етарли чора деб бўлмайди. Соҳага оид мукамал қонунчилик базаси яратилиши, масъул ташкилотлар таҳдидларга қарши курашда кучли техник имконият ва етарли қонуний ваколатларга эга бўлиши ахборот истеъмолчилари ноҳоллис медиа «печ»ларидан қуйишнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Энг муҳими, жамоатчилик иштирокини ошириш, ноҳоллис контентларга қарши курашда давлат ва жамият кучини бирлаштириш катта аҳамиятга эга. Айниқса, болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоялаш масаласида ўта муросасиз бўлишимиз керак.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ, журналист

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ



Европа ижтимоий тармоқларга чеклов ўрнатмоқчи

Франция, Испания ва Греция ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари учун мажбурий ёш чекловларини жорий этиш ниятида.

Маълум қилинишича, мазкур давлатларнинг рақамли технологиялар бўйича вазирлари Евросоюзнинг бошқа мамлакатлари вакиллари билан 6 июнь кунини ўтказилган учрашув арафасида ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришмоқдалар. Музокара қилинаётган чоралар шундан иборатки, интернетга уланган барча қурилмалар ёшни текшириш технологиялари билан жиҳозланиши керак бўлади.

Bloomberg маълумотиға кўра, ушбу мамлакатлар технология гигантларига иқтисодий босим орқали таъсир ўтказиши режалаштирилмоқда.

Аввалроқ Франциянинг собиқ бош вазир Габриэль Атталь 15 ёшга тўлган болаларга ижтимоий тармоқларга киришни бутунлай тақиқлаш, катта ёшдаги ўсимлар учун эса кечки пайтларда фойдаланишни чеклаш таклифини илгари сурган эди. Испанияда 2024 йил охирида рақамли технологияларнинг ёшлар руҳиятига таъсирини ўрганаётган ҳукумат кўмитаси 16 ёшга бўлган болалар учун интернетдан фойдаланишни тўлиқ тақиқлашни тавсия этган.

\$770 миллионлик йўқотишлар

Financial Times нашрининг хабарига кўра, Украина 2022 йилдан буён шубҳали қурол етказиб берувчилар билан тузилган келишувлар сабаб юзлаб миллион доллар маблағ йўқотган.

Газетанинг суд ва давлат ҳужжатлари, шунингдек, амалдорлар, ишлаб чиқарувчилар ва детективлар билан олиб борилган интервьюларга таяниб маълум қилинишича, Киев чет эл компанияларига қурол-яроғ ва ўқ-дорилар етказиб бериш учун 770 миллион доллар аванс тўлаган, бироқ кўп ҳолатларда қурол-аслаҳа етказиб берилмаган.

Айрим ҳолларда тўловлар шартномаларни бажармаган майда компанияларга берилган. Шу билан бирга, баъзи харидлар сунъий равишда юқори нархларда амалга оширилган, олинган қурол эса кўпинча яроқсиз бўлиб чиққан.

Рус уйлари таҳдид остида

Руминия ва Словениядаги Рус уйлари номаълум муддатга ўз фаолиятини тўхтати. Шимолий Македония, Хорватия ва Черногориядаги марказлар эса бутунлай ёпилди.

Россияга нисбатан дўстона бўлмаган қадамлар ҳамда миллий регуляторлар томонидан санкция режими билан бажарилиши устидан қучайтирилган назорат натижасида Руминия ва Словениядаги Рус уйлари ўз фаолиятини вақтинча тўхтатишга, Шимолий Македония, Хорватия ва Черногорияда эса тўлиқ ёпишга мажбур бўлди. Шунингдек, Болгария, Дания, Молдова, Польша, Словакия ва Чехияда ҳам фаолият жиддий чекловларга дуч келмоқда, — дейилади «Россотрудничество» агентлиги маълумотида.

Шу билан бирга, «Россотрудничество» агентлигининг Европадаги йигирмадан ортиқ ваколатхоналари ҳали ҳам фаолият юритмоқда. Бироқ, ташкилот вакиллари таъкидлашича, Европа давлатларининг босими хануз сақланиб қолмоқда.

Япония киберхавфсизликни кучайтирмоқда

Япония парламентининг юқори палатаси актив киберхавфсизликни кучайтириш ҳуқуқи берилди.

Ҳужжатга мувофиқ, энергетика, транспорт ва алоқа каби стратегик соҳаларда фаолият юритаётган компаниялар ҳар қандай хакерлик ҳужуми уриниши тўғрисида дарҳол давлат органларини хабардор қилиши шарт. Шунингдек, полиция ва ҳарбийлардан иборат махсус киберхавфсизлик кучлари тузилади. Улар давлат муассасалари, корпорациялар ва инфратузилма объектларининг рақамли тизимларини назорат қилиш ва киберхавфларни бар-тароф этиш билан шуғулланилади.

Мухолифат талабига кўра, қонуннинг якуний вариантыга шахсий хат-хабарлар сирини Япония Конституциясига мувофиқ қатъий химоя қилиш тўғрисидаги қўшимча модда ҳам киритилди.

Оламгир ОТАЁРОВ
тайёрлади

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси таҳририят ходими Абдурауф Алимжановга акаси **Абдураул АЛИМЖАНОВ** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОН

«Yo'l-Loyiha Byurosi» МЧЖ Бош директор лавозимига танлов эълон қилади

Танлов шартлари, номзодларга қўйилган талаблар юзасидан маълумот олиш учун ҳамда танловга ариза бериш учун +998 71 237 38 55 телефон рақамига ёки rcb2009@mail.ru электрон манзилига мурожаат қилиш мумкин.

Ҳар гал Бойсунга бораётганимда, албатта, Сайроб қишлоғида тўхтаб ўтаман. Негаки, бу маскан гўзал табиати, хушманзара боғлари, пурвиқор тоғлари, серсув булоқлари ҳамда уларда сузиб юрган гулмоҳи балиқлари билан одамни ўзига ром этади. Айниқса, йўл ёқасидаги азим чинорларни томоша қилмасдан, кун иссиғида уларнинг соясида танам яйраб дам олмасдан, зилол булоқ сувидан симириб ичмасдан кета олмайман.

САЙРОБ ЧИНОРИ

— Бу қўхна чинорлар табиатнинг бир мўъжизаси, болам. Шунинг учун ҳам ҳозир минг ёшга тўлаётган бўлса-да, гуркираб яшнаб ўсишда давом этмоқда, — дея ҳикоя қилади 106 ёшни қаршилаган, кўри-нишидан ҳали анча бардам-бақувват Муродқул бобо. — Мен бу чинорлар билан қарийб юз йилдан буён сирлашман, уларни худди тирик одамдай, садоқатли дўстдай ҳис қиламан. Яна кўп ўйлайман: ўн асрага гувоҳ бу чинорларнинг танаси, шох-шаббалари қанчадан-қанча воқеаларга, тарих тилсимларига гувоҳ бўлмаган, не-не буюк зотларни кўрмаган, унинг соясидан қанча-қанча шоху задалар баҳраманд бўлмаган, дейсиз...

Ҳақиқатан ҳам, ҳозир бу ноёб дараклар табиат ёдгорлиги сифатида давлат муҳофазасига олинган бўлиб, тахминан 950-1000 ёшда. Асосий чинорнинг баландлиги қарийб 30, шох-шаббалари диаметри 21, танасининг йўғонлиги 7,7 метрни ташкил этади. Сайроб чинорининг мўъжизали томони унинг қовағи борлигидир. Қовак ичининг ўлчами 3,5 метр, ер сатҳидан баландлиги эса 7 метр. Қовак оғзи (шилги) тўғри тўртбурчак шаклида, ичига эса 10-15 нафар одам бемалол сиғади. Октябрь инқилобигача бу чинордан мак-

BU NAMAT TAJRIY YODGULIDIR BIRDAZIMLIK BILAN QOLGUSI CHINOR		THIS NAME TREE IS TAKEN UNDER PROTECTION OF THE STATE PLANE TREE	
1. YODGULI YILGA YIGIR	28.00	1. AGE - NEARLY 100 YEARS OLD	28.00
2. SHOX BALANDLIGI	21.00	2. HEIGHT	21.00
3. SHOX BAHAMALLARINING QUWATI	21.00	3. THE DIAMETER OF THE BRANCHES	21.00
4. TANASINING BALANDLIGI BOYICHA O'LCHAMI	4.70	4. THE HEIGHT OF THE BODY OF THE TREE	4.70
5. TANASINING ELDI BOYICHA O'LCHAMI	16.50	5. THE THICKNESS OF THE TRUNK	16.50
6. KAVAKNING YER BIRIMIDAGI O'LCHAMI	3.50	6. THE HOLE OF THE TREE	3.50
7. KAVAKNING BALANDLIGI BOYICHA O'LCHAMI	3.50	7. THE HEIGHT OF THE TREE HOLE	3.50
8. KAVAKNING OZG'ITKICI UCHURUMCHAK SHAKLIDA	3.50	8. THE ENTRANCE OF THE TREE HOLE IS TRIANGULAR SHAPE	3.50
9. DAVLATNING KAVAKIGA OXKIRI TO'YATIRISHGA QADIM ESHIMIKTAN JOYLASHGAN		9. THE TREE WAS USED AS A SCHOOL BY THE GOVERNOR OF THE PROVINCE	
10. 1936 YILDA QURULGAN QOVAK BOLDAN		10. IN 1936 THIS TREE WAS USED AS A VILLAGE ADMINISTRATION OFFICE	
11. 1936 YILDA YILGADA O'ZG'ITKICILAR BILAN QOVAKNI LAGIR KURUBONAN JOYLASHGAN		11. THIS TREE WAS USED AS A HAYRAT HOUSE BY THE VILLAGE	
12. 1936 YILDA YILGADA SAPO DOYON BO'LGAN		12. THIS TREE WAS USED AS A VILLAGE SHOP IN 1936	

tab, 1920 yildan qishloq kengashi idorasi, 1932-34 yillarda 1-otlik qizil askarlar polkining lager kutubxonasi va 1936 yilda savdo dukoni sifatiда foydalanilgan. Hozir ikki azim chinor ichi chiroyli utovday bezatilib, biriga «Alpomish», ikkinchisiga «Barchinoy» nomi berilgan. Ularni kurgan har qanday sayeh maftun bulishi tabiiy.

— Сайроб булоқларининг шифобахилиги илмий жиҳатдан кўп бор исботланган, — дейди Бойсун туманидаги «Сайроб» қишлоқ оилавий поликлиникаси мудираси, олий тоифали врач

Барно Воҳидова. — Бизнеси худудда яшовчилар орасида қандли диабет касаллиги умуман учрамайди. Бойси, қишлоқ одамлари шифобахш булоқ сувини мунтазам ичиб туришади. Зеро, ҳар тонг ойнадек тоза булоқ сувидан истеъмол қилган киши ҳеч қачон дардга чалинмайди.

Фахр билан айтиш мумкинки, юртимизда бундай сўлим гўшалар, хушманзара қишлоқлар ва маҳаллалар жуда кўп.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

ЯХШИЛАР ҚУРШОВИДАМАН

СОБИҚ МАҲБУС ҲИКОЯСИ

Ҳаёт қутилмаган синову машаққатларга тўла экан. Айниқса, бир инсон кетма-кет азоб-уқубатларга йўлқаверса, бошини қай деворга уришни ҳам, кимдан нажот қутишни ҳам билмай қоларкан...

Болалигимдан тақдир мени қаттиқ синади. Ака ва опаларим билан она бир, ота бошқамиз. Шу боис улар мени кўп сиғдиришмади. Онам бизнинг орамизга тушавериб, ҳолдан тойдим. Охири мени болалар уйига топшириб юборди. То 8-синфни тамомлагунимча етимхона билан уйимиз орасида сарсон-саргардон бўлдим. Вояга еганимдан сўнг волидам мени тоғамнинг ўғлига узатиб юборди.

Кетма-кет икки фарзанд кўрдим. Аммо эр-хотин қариндош бўлганимиз учун улар нуқсон билан туғилди. Устига-устак, турмушимиз узоққа бормади. Эрим болаларимга қўшиб, мени ҳам уйдан ҳайдаб солди.

Бир кунда икки нафар вояга етмаган, яна денг, ногиронлиги бор норасидалар билан кўчада қолдим. Бу баш уриб борадиган жойим, на ёрдам берадиган би-

рон-бир яқиним бор...

Хуллас, сарсон-саргардонликда, ижарама-ижара кўчиб юрдим. Ёлғиз аёл учун икки нафар болани боқиб, уларни едириб-ичиришининг ўзи бўлмайди. Ҳозир ўша машаққатли кунларни эсласам, юрагим эзилади.

Азоб-уқубатлар жонимдан ўтиб, жиноят кўчасига қириб қолдим. Биринчи сафар қилмишим учун енгил жазо олдим, яъни афв этилди.

Уша пайтда энди ҳаётим изга тушиб кетади, нима бўлса ҳам, ҳалол яшайман, деб ният қилганим. Аммо урдасидан чиқолмадим. Яна бир бор суднинг қора курсисига ўтиришимга тўғри келди.

Бу сафар қилмишимдан астойдил афсусландим. Кишини тубанлик ботқоқидан фақат меҳр-оқибат, яхшилик тортиб олишини англаб етдим...

Очиғи, қамқоқонага кириб кел-

ган илк кунимдаги қўрқувни сўз билан ифодалаб беролмайман. Бироқ у ерда маҳкумларга муносабат мен тасаввур қилгандек эмас, аксинча, бутунлай бошқача экан. Масъуллар билиб-билмай, жиноят қўчасига кирганлар тўғри ҳаётга қайтиши учун астойдил ҳаракат қилишаркан. Ижодкор-зиёлилар билан маънавий-маърифий учрашувлар, байрам тадбирлари уюштириларкан. Соғлигиниз ҳаммиша уларнинг назоратида. Қисқаси, у ерда ўзингизни ёлғиз ва кераксиз сезмайсиз. Бундай вазиятда сиздан биринчи бўлиб, яқинларингиз узоқлашар, фақат давлат асосий ҳимоячингиз, гамхўрингизга айланаркан...

Шу ўринда тузалмиш йўлига ўтишимга ҳисса қўшган инсонларга раҳмат айтишни лозим топдим. Биринчи навбатда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Давлатимиз раҳбари томонидан инсон қадрини улуғлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар самарасини ўз ҳаётимда ҳис қилдим. Шунингдек, 21-жазони

МИННАТДОРЛИК

ижро этиш хотин-қизлар колонияси раҳбариятига ўз ташаккуримни билдирмоқчиман.

Муддатидан илгари шартли озод қилиниб, уйга қайтдим. Маҳалла-қўй, эл-юрт, яқинлар олдида жиноятчи деган тамға билан юриш осон бўлмаса керак, улар мени хушлармикан, деган ҳадида эдим. Аммо ундай бўлмади, атрофдагилар мени тушуниб, қўллаб-қувватлашди. Туман ҳокимлиги, ижтимоий химоя маркази, ички ишлар бўлими, маҳалла фаоллари, қўни-қўшиллар мендан ёрдамларини аямашди.

Бугун яхши инсонлар қуршовидаман. Шу тобора кўнгилни тубидаги сўзларни баралла айтмоқчиман. Зора, менинг қисматим бошқаларга ибрат бўлса...

Бошингизга ҳар қандай синов келса ҳам, нотўғри қадам босманг. Қисматингиздан нолиманг. Сабр қилинг, фақат олға интилинг. Оёққа туришга ҳаракат қилинг. Бунинг учун имконият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли. Шунда марра сизники бўлади. Акс ҳолда, қачондир мен каби қилган ишингиздан надомат чекиб қолишингиз мумкин.

Муқаддас АБДУРАСУЛОВА,
Оқолтин тумани,
Янги давр маҳалласи

Мароқли дам олинг,
азиз газетхон!



Шерали Жўраев ижросида

«МУҚАДДАС
АЁЛ»
қўшиғи

Ошиқларнинг пойинга гул отиб ҳам бўлди,
Хилватларда лабингдан бол тотиб ҳам бўлди,
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,
Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл, аёл,
Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл.

Ҳалима Худойбердиева шеъри

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

G'ulomjon Mirahmedov

Musahhih:

Dilorom Xudoyberganova

Sahifalovchi:

Hasan Abdullajilov

Boshlarga topshirish vaqti:

19:30
Toshpirdi — 19:50

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlil chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 449 ta

Shundan: 6 258 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi —
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 276 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 915 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-511

1 2 3 4 5 6